

ХАБАРНИНГ ТУРЛАРИ

Мамаюсупов Журахон Мамадали ўғли

Имом Термизий ислом таълим муассасаси ўқувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада араб тилидаги балозат илмига оид муҳим масалалардан бири — хабар турлари ва уни етказиш услублари ёритилган. Асосан, мутақаллимнинг мақсади ва мухотабнинг ҳолатига қараб хабарни қандай шаклда ифодалаш зарурлиги таҳлил қилинади. Хабар беришда мухотабнинг уч хил ҳолати — беҳабар, шубҳада ва инкор қилувчи ҳолатлари ажратилиб, ҳар бирига мос нутқ услуби мисоллар орқали тушунтирилган. Шунингдек, таъкид (урғу) берувчи воситалар — ҳарфлар, юкламалар, такрор, қасам ва грамматик воситаларнинг қўлланилиши Қуръон оятлари ва арабий мисоллар асосида изоҳланган. Мақолада нутқнинг таъсирчанлиги ва аниқлиги мухотаб ҳолатини тўғри баҳолаш билан чамбарчас боғлиқлиги асослаб берилган.

Таянч иборалар: Хабар (الخبر), Ибтидоий калом, Талабий калом, Инкорий (таъкидий) калом, Мухотаб ҳолати, Таъкид воситалари, اِنَّ ، اِنَّ ، Қасам ҳарфлари (و، ت)، Ибтидо лами (لام الابتداء)، Таъкид нуни, Такрор (таъкид учун)، فَذ (таҳқиқия)، اِنَّمَا، Балозат илми, Нутқнинг таъсирчанлиги, Ҳолат тақозоси (مقتضى الحال).

КИРИШ

Хабар берувчининг хабардан мақсади мухотабга каломни ифодалаб бериш бўлса, уни чўзиб юборишдан сақланиб, гапини қисқа қилиши лозим. Мутақаллим мухотабга нисбатан беморга табиб сингари бўлиши керак. Яъни, табиб беморга қандай муолажа ва қайси малҳамлар фойда беришини билиши керак.

Хабарни етказишда мухотабнинг ҳолати уч хил бўлади:

1. Мухотаб айтиладиган ҳукмдан беҳабар бўлади, бундай ҳолда гапни таъкидламасдан етказилади. Масалан: **أَخُوكَ قَادِمٌ** Аканг келяпти. Бундай каломни “ибтидоий”, яъний бошланғич гап дейилади. Зеро, хабарга ҳеч қандай қўшимчанинг зарурати йўқдир ва мухотаб уни маълумот учун қабул қилади.

2. Мухотаб иккиланиб турган бўлади ва билдириш истаги ёки унинг иккиланишини кетказиш яхши деб ҳисобланган ҳолда, гапни унга таъкид билан келтириш маъқул ва чиройли бўлади. Масалан: **إِنَّ أَخَاكَ قَادِمٌ** Ҳақиқатда аканг келяпти. Бундай каломни “талабий” дейилади. Чунки, мухотабдаги тараддуд гапга қўшимчалар киритишга сабаб бўляпти.

3. Мухотабнинг мункирлиги, хабарга ишонмайди, уни инкор қилади. Бу ҳолатда мутакаллим мухотаб инкорининг даражасига тўғри келадиган бир неча таъкид омилларини келтириши лозим бўлади. Бундай каломни “инкорий” дейилади. Баъзида инкорни кетказиш учун таъкид лафзлари ишлатилаётгани учун бундай гапларни “таъкидий” ҳам деб атайдилар.

✓ **Бир таъкид билан келтирилган каломга мисол:** **إِنَّ أَخَاكَ قَادِمٌ** Ҳақиқатда, аканг келяпти;

✓ **Иккита таъкид омили билан келтирилган каломга мисол:** **إِنَّ أَخَاكَ لَقَادِمٌ** Ҳақиқатда сенинг аканг, албатта у келяпти;

✓ **Бир неча таъкид омили билан келтирилган калом:** **وَاللَّهِ إِنَّ أَخَاكَ لَقَادِمٌ** Қасамки, ҳақиқатан ҳам, сенинг аканг, албатта келяпти¹.

Таъкид юкламалари қуйидагилар:

а. **إِنَّ, أَنَّ.** Масалан:

شَيْءٍ قَدِيرٍ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ

яъни: “Зеро, Аллоҳ ҳар нарсага қодир зотдир”²,

عَلَىٰ الْعَالَمِينَ وَأَنِّي فَضَّلْتُكُمْ

яъни: “Сизларни оламлар узра афзал қилганимни эслангиз”³;

б. Ибтидо “лом”и –бошловчи лом ҳарфи. Масалан:

وَأَنَّ الَّذِي بَيْنِي وَبَيْنَ بَنِي أَبِي وَبَيْنَ بَنِي عَمِّي لَمُخْتَلَفٌ جَدًّا

Ҳақиқатда мен билан отамнинг болалари орасида ва амакимнинг болалари орасида жуда-жуда ихтилофлар бордир.

в. Огоҳ этувчи ҳарфлар: **: أَلَا, أَمَّا, هَا**

عَفَافٌ وَإِقْدَامٌ وَحَزْمٌ وَنَائِلٌ

أَلَا فِي سَبِيلِ الْمَجْدِ مَا أَنَا فَاعِلٌ

Аё! Бахт йўлига ҳаракат қилувчи эмасман, покдомон-иффатли, жасур отилиб чиқувчи, душманларни чекинтирувчи ҳамда (буюк фазилатларга) ноил ҳам эмасман.

Қасам ҳарфлари: **"و", "ت"**. Масалан: **قَالُوا تَاللَّهِ** Қасамки,- дедилар. Қуёшга қасам, зуҳога қасам каби жумлалар Қуръони каримда кўплаб учрайди.

г. Икки таъкид “нун”и – таъкидлашни билдирадиган нунлар. Масалан:

ثُمَّ إِنَّكُمْ بَعْدَ ذَلِكَ لَمَيِّتُونَ

яъни: “Сўнгра, албатта, сизлар (эй инсонлар!) Мана шундан кейин, албатта, вафот этувчидирсиз”⁴;

д. Жумлани такрор келтириш ҳам таъкидлашга ишлатилади. Масалан:

¹ Солиҳ Соса. Ал-мунжид фи ал-эъроби вал қоваид вал балоға вал уруз. Дор ар-роид ат-тобаъа ван нашр. – Б. 328.

² А. Мансур. Қуръон карим м. тар. ва таф. Бақара сураси 20-оят. – Б. 4.

³ А. Мансур. Қуръон карим м. тар. ва таф. Бақара сураси 47-оят. – Б. 7.

⁴ А. Мансур. Қуръон карим м. тар. ва таф. Мўминун сураси 15-оят. – Б. 342.

وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ

яъни: “(Учинчи тоифа эзгу ишларда) ўзиб-ўзиб кетган зотлардир”⁵;

е. **قَدْ** “Қод” таъқиқия – ҳақиқатловчи “қод” лафзида ҳам таъкид маъноси бордир. Масалан:

قَدْ جَاءَنَا نَذِيرٌ

яъни: “**Ҳа, ҳақиқатан, бизга огоҳлантирувчи келган эди**”⁶;

“инна” маъносидаги “амма”. Масалан: **أَمَّا**⁷

أَمَّا الْفِرَاقُ فَأِنَّهُ مَا أَعْهَدُ هُوَ تَوَامِي لَوْ أَنَّ بَيْنَنَا يُؤَلِّدُ

Эгизаклар бўлиб туғилса-да гўдақларингиз,

Албатта тушарлар бир кун фироқ ўтига.

ж. **إِنَّمَا**. Масалан:

إِنَّمَا الْعِلْمُ عِنْدَ اللَّهِ

яъни: “(Қиёмат ҳақидаги) **билим, албатта, Алоҳнинг хузуридадир**”⁸.

з. Зиёда ҳарфлар: **تَفَعَّلَ** ва **اسْتَفْعَلَ** феълларидаги зоида ҳарфлар каби жумлада келган зоидалар маънони таъкидлашга ёки уни кўп эканини билдиришга хизмат қилади;

и. Фоилни олдин келтириш: Амир келди. Бунда **رَحَضَ**⁹ **الْأَمِيرُ** мутакаллимнинг мақсади ҳам айнан шу иш-ҳаракатнинг фоили айнан шу эканини таъкидлаш учун ҳам фоилни тақдим қилади¹⁰.

Каломни юқорида зикр қилинган мухотабнинг ҳолатига қараб келтириш - ҳолат тақазосига, яъний талаб қилинаётган ҳолатга риоя қилиш дейилади. Чунки, биринчи ҳолатда мухотабнинг ҳолати таъкидсиз гапиришга ундади, иккинчи ҳолат таъкидлаш ўринли эканига ундаган бўлса, мухотабнинг учинчи ҳолати эса бир, икки ёки бир неча таъкид омили билан мухотабнинг инкорига қараб гапиришга ундамоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, араб тилидаги балоғат илмида хабарни тўғри ва ўринли ифодалаш нутқнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ушбу мавзуда мутакаллимнинг асосий вазифаси — мухотабнинг ҳолатини тўғри баҳолаб, унга мос равишда нутқни шакллантиришдир. Агар мухотаб

⁵ А. Мансур. Қуръон карим м. тар. ва таф. Воқеа сураси 20-оят. – Б. 534.

⁶ А. Мансур. Қуръон карим м. тар. ва таф. Мулк сураси 9-оят. – Б. 562.

⁷ Муҳаммад Диеб, Султон Муҳаммад. Дурус ал-балоға. Покистон: Мактабатул мадина 2007. – Б. 43.

⁸ А. Мансур. Қуръон карим м. тар. ва таф. Мулк сураси 26-оят. – Б. 564.

⁹ Аҳмад Ҳошимий. Жавоҳир ал-балоға фи ал-маоний ва ал-баён ва ал-бадиъ. – Байрут: Мактаба ал-асрийя 1999. – Б. 58.

¹⁰ Аҳмад Ҳошимий. Жавоҳир ал-балоға фи ал-маоний ва ал-баён ва ал-бадиъ. – Байрут: Мактаба ал-асрийя 1999. – Б. 69.

айтилаётган маълумотдан беҳабар бўлса, ортиқча таъкидга ҳожат йўқ ва содда, ибтидоий калом кифоя қилади. Аммо мухотабда шубҳа мавжуд бўлса, унда фикрни кучайтириш учун айрим таъкид воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар мухотаб инкор қилувчи бўлса, нутқ янада кучлироқ таъкидлар билан бойитилади, чунки бу ҳолатда ишонтириш асосий мақсадга айланади.

Шунингдек, мақолада келтирилганидек, **إِنَّ، أَنَّ** қасам ҳарфлари, таъкид нуни, такрор ва бошқа воситалар нутқнинг таъсирчанлигини оширишда муҳим ўрин тутаяди. Бу воситалар орқали мутақаллим ўз фикрини янада аниқ, равшан ва ишончли тарзда етказаяди. Натижада, балоғат илми нафақат тил қоидаларини, балки нутқнинг психологик ва мантикий томонларини ҳам ўз ичига олади. Демак, хабарни тўғри етказиш — бу илмий, услубий ва коммуникатив маҳорат уйғунлигидир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абдулазиз ибн Али Ҳарбий. “Ал-балоға вал муяссара”. – Байрут: Дор Ибн Ҳазм, 2011. 100 б.
2. Абдулқоҳир Журжоний. “Далоил ал-ийжоз”. – Байрут: Дор ал-маърифат, 2001.
3. Абдулмалик Саъолабий Найсобурий. “Сеҳр ал-балоға ва сирр ал-бароъа”. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 2003 й. 224 б.
4. Абдух Абдулазиз. “Ал-балоға ал-истилоҳия”. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий. 1992. 396 б.
5. Абу Якуб Саккокий. “Мифтаҳ ал-улум”. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1987. 628 б.
6. Али Хабармий, Мустафо Амин. “Ал-Балоғатул-возиҳа”. – Қоҳира. 1999.
7. Аҳмад Ҳошимий. “Жавоҳир ал-балоға фи ал-маоний ва ал-баён ва ал-бадиъ”. – Байрут: “Мактаба ал-асрийя” 1999-й. 406 б.
8. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. “Ториқ ал-вусул ила улум ал-балоға”. – Покистон-2004: Байт ал-илм. 380 б.
9. Муҳаммад Диёб, Султон Муҳаммад. “Дурус ал-балоға”. – Покистон: Мактаба ал-мадина, 2007. 241 б.
10. Муҳаммад Юсуф Тоълавий. “Жавоҳир ал-балоға фи шарҳи дурус ал-балоға”. Ҳиндистон: “Матбаату фақиҳ ал-умма”. 368 б.
11. О. Носиров, М.Юсупов. “Ан-на’йм: ўзбекча-арабча луғат”. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2003. 959 б.

12. Саъдуддин Тафтазоний. “Ат-талхис фи улум ал-балоға”. – Байрут: Дор ал-фикр. 1904 й.
13. Салимахон Рустамий. «Балоғат илмида лингвистик назариялар ва тил ҳодисаларининг ёритилиши». – Т.: Наврўз нашриёти, 2017. 172 .
14. Соъидий Абдулмутаъал. “Буғя ал-ийзоҳ ли талхис ал-мифтах фи улум ал-балоға”. Мактаба ал-адаб, 2005. 166.
15. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. А.Мадвалиев таҳрири остида. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2008.
16. Фазл Ҳасан Аббос. “Ал-балоға фунунуҳа ва афнануҳа”. “Дор ал-фурқон” 1998-й. 616 б.
17. Хатиб Қазвиний. “Ал-изоҳ фи улум ал-балоға”. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 2003 й. 390 б
18. Хатиб Қазвиний. “Талхис ал-мифтах”. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 2003 й. 439 б.
19. Ҳомид Авний. “Ал-минҳаж ал-возиҳ лил балоға”. 5 жузли. 1267 б.